O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 19 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 31 (7226)

Da'vat

Кимки фанда илгарилаб, ахлоқда оқсаса, у олдинга эмас, кўпроқ орқага кетади.

АРАСТУ

Ibrat

"Қорақалпоқбўян" ҳиссадорлик жамияти жамоаси Нукус шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг 2—6-синф ўқувчилари учун дарсликлар ҳадя қилди. Жамоа мактабнинг 7-синф ўқувчиларига ҳам 800 минг сўмлик дарслик олиб беришни режалаштирган.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрель куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, М.Олбрайт орқали АҚШ ҳукумати ва халқига эҳтиромини изҳор этди. Мазкур ташрифни икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки берадиган муҳим тадбир, деб билишини таъкидлади.

– АҚШ Давлат котиби охирги марта 1992 йилда Ўзбекистонга келган эди, – деди Президент учрашувда. – Ушбу ташриф АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиши ошиб бораётганидан дарак беради.

Мадлен Олбрайт Ўзбекистонга сафари қизиқарли ва айни пайтда самарали кечаётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмон бу учрашувга қадар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиб келганди. Учрашувда ана шу сафар таассуротлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.

ЎзА.

Суратда: қабул пайти. А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ОЛБРАЙТНИНГ САМАРҚАНД ВА БУХОРО ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Дастлаб америкалик меҳмон Самарқанддаги «Сабр» ишонч маркази фаолияти билан танишди. Мазкур марказ оилани мустаҳкамлаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ муаммолар билан шуғулланади.

Мадлен Олбрайт шаҳардаги қадимий меъморий ёдгорликларни томоша қилишни Регистон майдонидан бошлади. У Шоҳи Зинда мажмуи, Гўри Амир мақбараси ва Бибихоним мадрасасини мароқ билан кўздан кечирди.

АҚШ давлат котиби «Сиёб» бозорида бўлиб, бозорларимизнинг сахий ўзбек заминида етиштирилган ноз-неъматларга бойлигига шоҳид бўлди. Айниқса, Олбрайт хонимга ўзининг исми ёзилган машҳур Самарқанд нони тақдим этилганда, у ҳайратини яшира олмади.

Самарқанд сафари чоғида АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари «Мерос» ва «Усто» халқ амалий санъати марказлари фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда маҳаллий усталар томонидан тайёрланган миллий кийимлар, ҳунармандлик буюмлари меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Мадлен Олбрайт хоним Бухоро шаҳрида бўлганида яҳудийлар синагогасида ибодат қилди. Ибодат сўнгида АҚШ Давлат котиби чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Мен ҳозиргина синагогада жаҳон халқларига тинчлик тилаб ибодат қилдим, шамчироқ ёқдим. Ўзбекистонда, яна такрор айтаман, Ўзбекистонда барча динларга бир хил эътибор берилаётгани, виждон эркинлиги тўла таъминлангани мени жуда қувонтирди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзийди...

Шундан сўнг Олбрайт хоним Бухоро ҳунармандлари марказини томоша қилди. Нодир Девонбегим мадрасасида ташкил қилинган Бухоро ҳунармандлари, зардўзлари, кандакорлари, заргарлари маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Пойи Калон мажмуи, айниқса, Масжиди Калон тарихий обидаси америкалик меҳмонларни ҳайратга солди. М.Олбрайт Марказий Осиёдаги бу энг катта масжид Бухоро шаҳрининг юбилейи арафасида шахсан юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси ва амалий ёрдами билан таъмирлангани, аслига қайтарилганини эшитиб хурсанд бўлди.

— Бухоро, ҳақиқатан ҳам, Шарқ гавҳари экан, – деди сафар сўнгида М.Олбрайт, - мен бу қадимги маданият ва дин ўчоғини зиёрат қилар эканман, кўнглим ғоятда кўтарилди.

Анвар КАРИМОВ, Илҳом САФАР, ЎзА мухбирлари.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Туроп Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

• Олий Мажлис Фан, таълим ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси "Геодезия ва картография тўғрисида"ги Қонуни Ўзгеодезкадастр Бош бошқармасида қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

• Республика Вазирлар Маҳкамасида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

• Тошкент Давлат аграр университетида ректорат ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишувга мувофиқ иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ташкил этилди.

• Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Вьетнамга бир миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз ажратишга қарор қилди.

• Ангела Маркель хоним Германиянинг энг йирик партияларидан бири христиан-демократлар партияси раиси этиб сайланди.

• Эфиопия суди эритреялик беш нафар фуқарони жосусликда айблаб, турли муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқарди.

• Исроил Президенти Эзер Вейцман соғлиғи ёмонлашгани боис истеъфога чиқиш ниятида эканлигини маълум қилди.

• Руминия ғарбида юз берган сув тошқини оқибатида олти киши ҳалок бўлган, 15 уезднинг 448 аҳоли пункти ва 78 минг гектар экинзор ерини сув босган, 224 кўприкка зиён етган.

ИККИ ШАХС

ФАОЛИЯТИ УЙҒУНЛАШГАНДАГИНА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИЛАДИ

Pedagogik texnologiya

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, таълим давлат сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллади. Бу эса "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг яратилишига асос бўлди. Натижада таълим жараёнида таълим мазмунининг янги лойиҳаси - илғор педагогик технологияларни қўллаш зарурати вужудга келди. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов "Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур"лигини уқтирган эдилар.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳасини ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, ўқувчи шахсига йўналтирилмоғи керак. Илғор педагогик технологиянинг марказида эса таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти-ю объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчи туради. Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бирбирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил топиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, ўқитувчи таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш принциплари ҳамда йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқишга, ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, синфда ижодий, ишчан муҳитни вужудга келтириш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуроллланган бўлиши лозим.

Таълим технологиясининг фалсафаси нимадан иборат?

"Технология" юнонча сўз бўлиб, "techne" - "маҳорат", "санъат" ва "logos" -- "тушунча", "ўрганиш" демакдир. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Ўқитувчилар ўз иш фаолиятини қуйидаги технологик жараёнга бўйсундиришлари керак: тартибга солиш, бир тизимга келтириш, олдиндан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш.

"Таълим технологияси" тушунчаси "Таълим методикаси" тушунчасига нисбатан кенгдир. "Таълим методи" - - ўқув жараёнининг комплекс вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш усули. "Таълим методикаси" эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

(Давоми 2—3-бетларда)

Ўқитувчи ён дафтарчаси

ДАРАЖАНИ ЎЛЧАШ МУМКИН

Мутахассисларнинг аниқлашларича, қора чигиртка маълум бир вақт орасида чириллайди ва бу чириллашлар сонига кўра об-ҳавонинг иссиқлик даражасини анчагина аниқ ўлчаш мумкин. Ҳаво қанчалик иссиқ бўлса, чигиртка шунча кўп чириллар экан.

КЎПАЙИШ САБАБИ

БМТнинг аҳолишунослик бўйича экспертлари ер юзи аҳолиси сонининг кескин ўсишига сабаб сифатида туғилишнинг ортиши билан бирга турмуш шароитининг яхшиланиши туфайли узоқ умр кўриш кўрсатгичи ошганлигини ҳам кўрсатишмоқда. Маълумки, башарият ўтган йили кузда 6 миллиардга етган ва аҳолининг 1 миллиард нафарга кўпайиши учун атиги 12 йил кифоя қилган эди.

ЯНА БИР ДАЛИЛ

Антарктида музликларида тадқиқот олиб бораётган олимлар бу ерда музликларнинг таг қисми тоза бўлгани ҳолда юза қисмида зарарли моддалар кўп учрашини кузатишди. Бу ёнилғилардан кўплаб миқдорда фойдаланиш оқибатида сайёрамиз экологиясининг бузилаётганлигига яна бир далилдир.

МУТАХАССИС РОБОТ

Янги Зеландиянинг "Толкинг технолоджис" компанияси мутахассислари "Форэйжер" деб номланган электрон кутубхоначи намунасини яратишди. Бу роботнинг афзаллиги, у кутубхоначи бажариши керак бўлган барча вазифаларни тўлиқ, ҳатто ортиғи билан уддалай олади.

Bizga javob beradilar

Газетамизнинг шу йил 25 март сонида эълон қилинган шу мавзудаги мақолага Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасидан жавоб хати келди. Қуйида ушбу хат тўлиғича эълон қилинмоқда.

«ЗЎРМА-ЗЎРАКИ ИШ...»

« Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси Сизга "Маърифат" газетасининг 2000 йил 25 март сонида босилган "Зўрма-зўраки иш ёхуд Бекобод туманидаги мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашдаги муаммолар" хусусида»ги мақола юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Ушбу мақола вилоят халқ таълими бошқармасининг 2000 йил 28 мартдаги ҳайъат йиғилишида халқ таълими бўлими мудирлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Ушбу қарор асосида ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлган, туманда дарслик билан таъминланишнинг шу аҳволига тушиб қолишига сабабчи бўлган кутубхона услубчиси А. Чўттибоев, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга етарли эътибор бермаган, мактаб кутубхонаси фаолиятини назоратсиз қолдирган 33-мактаб (Б. Давидов) директори эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди, шу билан бирга 31-(Б. Файзиев), 32-(А. Ҳасанов) мактаб директорларига мазкур масалада йўл қўйган камчиликлари учун ҳайфсан эълон қилинди.

Барча туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирларига бир ҳафта муддатда "Маърифат" газетасидаги мазкур мақола барча мактаб раҳбарлари, кутубхона мудирлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, унда кўрсатилган камчиликларни тугатиш, бундай кўринишдаги камчиликларнинг олдини олиш ва қайта такрорланмаслигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва уни амалга ошириш тоширилди.

Бекобод туман халқ таълими бўлими мудирининг имзоси билан олинган жавоб хатидан маълум бўлдики, мактаб кутубхона мудирлари иш фаолияти туман ҳокими муовинлари Р. Шукуралиев, М. Бобоевлар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди, унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳайъат йиғилиши қарорида кўрсатиб ўтилган раҳбар ва мутахассисларга буйруқ асосида чора кўрилган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси барча умумтаълим муассасаларидаги ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўз назоратига олади.

О.ТОЖИЕВ, бошқарма бошлиғи»

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Халқимиз истеъдодларга бой халқ. Миллатимиз тийнатининг сезиларли қирраларидан бири — биз адабиётни, шеърни суямиз. Қирда қўй боқиб юрган чўпон ҳам, мактабда таълим бераётган ўқитувчи ҳам, қонунлар ижроси назоратчиси — прокурор ҳам шеър ёзади. Гурунг-гаштаклар, байрам-сайллар, катта-кичик давралар шеърсиз, куй-қўшиқсиз ўтмайди. Айниқса, гўзаллик, нафосат рамзи бўлган қизларимизнинг нозик қалблари гўзал сўзга янада яқинроқ ошно! тикиб, хўжалик ишларини бошқарган эканлар...

Шунга ўхшаш ҳолни Тошкент вилоятида ҳам учратиш мумкин. Ангрен дарёсининг икки тарафида қачон пайдо бўлгани унутилган бир қанча тепалар бор. Ва уларнинг баъзилари номи бутун бир қишлоқ номига айланиб улгурган. Шулардан бири — Чангтепа.

Чангтепа — аслида Жангтепа бўлиши мумкин деган тахминни рад қилиб, Ўрта Чирчиқ туманидаги 14-

ЗУЛФИЯНИНГ ЎРТАЧИРЧИҚЛИК НАБИРАСИ

Маълумингизким, шу йил 8 март байрами арафасида шундай зукко қизларимизнинг 14 нафарига Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилган, улар ҳақида ҳикоя қилишни ваъда берган эдик. Дастлабки ҳикоямиз шулардан бири — ёш шоира Рухсора Тўлабоева ҳақида.

ЧАНГТЕПАМИ, ЖАНГТЕПА?

Қишлоғимиз этагидаги адирларда киши номи билан боғлиқ тепалар бор: Ниёзтепа, Эшмонтепа, Омонтепа, Қиличтепа... Айтишларича, бу тепалар номларига монанд кишилар бошчилигида одамлар қўли билан бунёд этилган экан. Таноб-таноб ерга эга бойлар шу тепалар устига ўтов мактаб директори Ҳамроқул Абдуваҳобов шундай дейди:

— Чангтепани ўтмишда қандайдир бир жанг бўлиб ўтган тепа деб тахмин қилувчилар ҳам бор. Аммо мен қариялардан, билганлардан сўраб-суриштириб, унинг ҳақиқатан Чангтепа эканлигига иқрор бўлдим. Бу ерлар, яъни дарё бўйлари узоқ ўтмишда қалин қамишзорлардан иборат бўлган. Ота-боболаримиз келиб ўрнашишгач, шу тепани ўз қўллари билан тупроқдан, демакким, чанг йиғиб, бунёд этганлар. Тепа душманлар келишини кўриб туриш, ундан огоҳлантириш мақсадида бунёд қилинган.

(Давоми 2-бетда)

Ақл — бойлик, нафс — нуқсон 2-бет

Табиатни эъзозлаш бурчимиз 3-бет

Англатиш 3-бет

Биринчи ва иккинчи босқич ғолиблари учрашадилар 4-бет

Ҳар бир оиладаги аҳвол, бирон-бир кичик ўзгариш ҳам ҳеч кимнинг назаридан четда қолмайди.

Агар ақлли хулоса қалбимиз ичидаги нурли илмда ўз аксини топса, хотиржам бўламиз.

ЗУЛФИЯНИНГ ЎРТАЧИРЧИҚЛИК НАБИРАСИ

(Боши 1-бетда)

Қишлоғимиз баҳаволиги, гўзал табиати, шунингдек, меҳнаткаш одамлари, юртимизга таниқли кишилари билан машҳур. Яратганнинг назари тушган қишлоғимизда яна бир истеъдодли шоира вояга етмоқда. У — Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, мактабимизнинг 10-синф ўқувчиси Рухсора Тўлабоева.

ҲАММА ТАНИЙДИГАН ОИЛА

Чангтепада 226 оила яшайди. Ҳамма бир-бирига қариндош, яқин. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга. Шу сабаблими, ёки қишлоқ нисбатан кичикроқлиги учунми, ҳамма бир-бирини яхши танийди. Ҳар бир оиладаги аҳвол, бирон-бир кичик ўзгариш ҳам ҳеч кимнинг назаридан четда қолмайди.

Сайфулла Тўлабоевлар оиласини ҳам қишлоқдошлари жуда яхши билишади. Оила бошлиғи — об-ҳавошунос, турмуш ўртоғи Ҳакима Тўлабоева мактабда ишлайди. Рус тили ва адабиётидан дарс беради. Ёшлигида шеър машқ қилган. Беш фарзандни тарбиялашаяпти. Рухсора — каттаси. Ҳакима опанинг отаси — Тошпўлат Холматов 35 йил она тили ва адабиётдан дарс берган. Ҳозир нафақада. Ижодкор. Шеърлари республика газета ва журналларида чоп қилинган.

Бобосининг, онасининг қонидан ўтган-да, Рухсора, яна бир синглиси — Зумрад ҳам шеър ёзади. Ўзи каби сингиллари ҳам беш ёшида мактабга боришган. Бўладиган бола бошидан маълум, дейишади-ку. Ҳозир Зумрад 4-, Назокат 2-синфда фақат "аъло" баҳоларга ўқишмоқда.

Рухсора ҳақида шоир Барот Исроил шундай дейди:

"Яхши одам бўлсам ўқиб, Катталарнинг сўзин уқиб.

Шеърият гулшанига қадамранжида қилган Рухсора қизимизнинг мазкур мисралари унинг покиза қалбидан отилиб чиққанлигига ва самимийлигига ишончимиз комил.

Дарҳақиқат, ижодкор аҳли томонидан дунёга келган ҳар бир янги асарнинг яратилиши илоҳият билан боғлиқ эканлиги жаҳон олимлари томонидан тадқиқ этилмоқда. Агар шу нуқтаи назардан ёндашсак, Рухсоранинг шеърлари ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, у:

Халқим суйган Фарзанд бўлсам, Юрт дардига ҳамдард бўлсам, —

дейди. Ҳақиқий ижодкор, у каттами, кичикми ўз халқининг ва юртининг дарди билан яшайди. Унинг орзуларини Яратганнинг ўзи ижобат этиб, унга шеър ёзиш қобилиятини берган экан, уни эъзозлаб, асрашни ва машаққатидан чўчимасдан, ўзи эътироф этганидек — ўқиб ҳамда уқиб олишга, ҳамиша ҳаёт ва ижод йўлининг ойдин бўлишига тилакдош бўлиб қоламан».

ШЕЪР ДАРСИ...

Роппа-роса икки йил олдин мен мактабда адабиёт ўқитувчиси эдим. Апрелнинг қизғалдоқли кунларидан бирида 10-синфларга ўтадиган дарсимни шеър дарси қилдим. 45 дақиқа шеър ўқидим. Кейинги куни болалар 45 дақиқани шеърга бағишлашди. Шод эдим. Ҳаволанган эдим. Ўқувчилар ҳам. Эртасига...

Эртасига мени директор хонасига чақиришди. Директор, муовини, илмий мудир, синф раҳбари биргаликда "разбор" қилишди. Жимгина, ҳамишагидек дарс ўтишим кераклигини таъкидлашди.

— "Ёлғончи чўпон" шеърини ўтганимда Рухсорани илк бор "кашф қилганман". Бошини ўқиб бериб, болаларга давом эттиришни буюрдим. Энг яхшисини Рухсора ёзди. Ўқувчиларимнинг адабиётга меҳри кучли. Соатлаб шеър дарслари ўтказамиз. "Ёш қаламкашлар" тўғарагимиз бор, — дейди 14-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Барно Бўронова. Унинг сўзларини тинглаб, юқоридаги хотиралар хаёлимдан кечди. Шеър дарси... Шеър...

Шеър — руҳ товуши, шеър — ўзликнинг йўли, шеър — дунё. "Ҳали бутун рўйи замин шеър бўлажак", — дейди ўзбекнинг бир ўзбек шоири.

Шеърнинг қудратига ишониб яшаётганлар кўп. Улар кўкламнинг кўкликларидан, ёмғирнинг оқликларидан, тоғлар виқоридан, боғлар тароватидан, олам ва одам уйғунлигидан ҳайрат топадилар. Шеър дарси — ҳайрат дарси давом этаверади.

РУХСОРАНИНГ "ОРЗУ"ЛАРИ

"Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Акс ҳолда инсон бу ишни қилмас. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳам унга муяссар бўлмас. Дунё ва охират, тижорат ва шоҳлик, илм ва бошқа ишларда бўлсин, барчасида аҳвол шундоқ" (Жалолиддин Румий).

Ерга қадалган уруғ яратилмиш шарт-шароит — тупроқ, сув, ҳаво ва қуёш нури, иссиқлик ёрдамида кўкаради, гуллайди ҳамда мева беради. Маҳалла, мактаб, оила муҳити, эътибор шубҳасиз, куртак очаётган истеъдод ривожида беистисно аҳамиятлидир.

Рухсора бугун ота-онаси, яқинлари, ўқитувчию устозлари — яхшилар эътиборида. Орзулари йўлида олға интилаяпти. Яқинда Чўлпон нашриётида "Орзу" деб номланган унинг илк тўплами босилиб чиқди.

"Дилда дардинг бўлмаса дардисаримни кавлама". Шоҳ Машрабнинг ушбу сўзи юқорида келтирганимиз Мавлоно Румий ҳазратлари сўзига монанд. Дилда дарди борларнинг қалб кўзлари очиқ бўлади. Қалб кўзлари очиқларнинг кўнгиллари Кўзга айланади. Ва бу Кўз сўз гавҳарларини териб-териб, чертиб-чертиб танлайди.

Зулфиянинг ўртачирчиқлик набирасига юракка тушган дардинг қутлуғ бўлсин, деймиз. Дунёга шу дард билан боқаётган юрак шундай хитоб қилади:

Истайман бургутдек умр кўришни,
Унингдек тик яшаб, мағрур ўлишни.
Юксак қояларда ғурурга тўлиб,
Мовий салтанатга ҳоким бўлишни.
Эгилмас пасткашлар олдида боши,
Худа-беҳудага тўкилмас ёши.
Ҳаёт зарбин қарши олар бепарво,
Мустаҳкамдир тоғу тошдек бардоши.
Акс этар жисмида буюк бир виқор,
Вазмин парвози ҳам эрур бетакрор.
Истайман бургутдек мағрур бўлишни,
Қузғундек нопок яшамоқ бекор.

Ҳусан НИШОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Seminar

КУН ТАРТИБИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Наманган вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида Давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитиш методикасига бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Семинар Тошкент ижтимоий маърифат маркази ташаббуси билан республика Очиқ жамият институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Республика Очиқ жамият институтининг бир неча йиллар давомида "СОРОС" фонди орқали демократик таълим ва инсон ҳуқуқларини ўқитишдаги янгиликлар, фуқаролик таълими тизимини ислоҳ қилишнинг зарурати хусусида фикр юритилади. Ҳозирги даврда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш учун таълим-тарбия зарур эканлиги шуни тасдиқламоқдаки, инсон ҳуқуқларини билиш унинг ҳуқуқлари топталишини камайтиради.

Семинар иштирокчилари "Фуқарошунослик", "Ўқувчи ёшларни демократияга ўргатиш", "Узбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари масалалари" каби мавзулар билан танишдилар. "Очиқ мунозаралар ўтказиш", "Дарсни гуруҳларга бўлиб ташкил этиш" усуллари намойиш этилди. Иштирокчиларга ижтимоий маърифат маркази томонидан нашр этилган "Конституция ва биз", "Шахс ва таълим" каби бир неча ўқув қўлланмалари эсдалик тарзида топширилди.

Нуруллоҳ ЗАЙНИДДИНОВ,
Наманган вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг нашриёт бўлими бошлиғи

Ta'kid

АҚЛ — БОЙЛИК, НАФС — НУҚСОН

Она диёримиз тупроғини азиз ва мукаррам қилган Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий каби олиму фузалоларимиз ўз ижодларида инсон ва унинг комилликкa эришиши, моддий ва маънавий хислатларини ёритганлар. Улар ҳам ўзларидан олдинги буюк устозлар Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий, Фаробий, Имом ал-Бухорий каби авлиёю уламолардан маънавий ва руҳий таълим-тарбия олганлар ва ўзларининг қарашларини ижодларида намоён қилганлар. Агар диққат билан, ақлни ишга солиб эътибор берсак, руҳимиз қатларида улуғ устозларнинг илмлари, шижоатларни пайқаймиз. Бироқ биз ўша улуғ аждодларга қай даражада муносибмиз, деган савол ҳар биримизни қизиқтириши, ўйга толдириши лозим.

Ҳалоллик, тақво ҳақида сўзласангиз айримлар шунчаки қўл силтаб қўяди. Бу беғамликнинг сабаби қаердан, десангиз гапни иқтисодга тақашади. "Кўзи тўқнинг ўзи тўқ" деган халқнинг фарзанди эканимизни баъзан бир зум унутиб қўямиз.

Биз нафс борлигини яхши биламиз. Айримларимиз нафс домида алданиб, виждонимизни беҳуда нарсаларга сарфлаб юрсак, қалбимизнинг сирларини билиш у ёқда турсин, асл бахт-саодат, ҳақиқат нималигини билмай ўтамиз. Ваҳоланки, улуғ Шарқ мутафаккири, комил инсон Имом Ғаззолий айтганларидек, инсоннинг ҳайвон ва ўсимлик даражасидан фарқи ақл билан кўрган нарсаларини таниб, қалб амри билан амал қилишидир.

Ҳаётда тез-тез кўнгил истакларига берилиб кетамиз. Лекин кўнгил қурғур тўлмаганини маълум вақт ўттач, сезиб қоламиз. Сабабини қидира бошлаймиз. Топилса, ақлимиз тарозусига соламиз. Шунда энг асосий жараён бошланади: камчилигу нуқсонларимизни бир тарафга, виждон азобидан вужудга келган хулосани иккинчи тарафга қўямиз. Агар ақлли хулоса қалбимиз ичидаги нурли илмда ўз аксини топса, хотиржам бўламиз. Бу тарозу — ҳақиқат тарозусидир. У биз ўйлаб топган, ўз қаричимиз билан ўлчайдиган ўлчам эмас. Ҳақиқат — бу сўнмас нур. У ўзининг мавжудлиги билан оламларни, бутун мавжудот, махлуқотларни лол қолдирган, тан бердирган мезондир.

Бир ҳакимдан: "Қандай инсон жазога лойиқ?" деб сўрабдилар. У эса: "Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас, жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислатлари бўлади. Шундай кишиларни ҳатто одам, дейиш ҳам ноўриндир!" деган экан.

Тасаввуф мартабасининг етук сўфийси Ғаззолий: "Инсон баданида тўрт сифат бор. Итлик сифати — ғазабли нарсалар билан, тўнғизлик сифати — палид ва нажас нарсалар билан, девлик сифати — макр-ҳийла, ҳасадгўйлик билан дўстлашиш бўлса, фаришталик сифатига эгалар — ақлнинг нурига эгадирлар", деб марҳамат қилганлар.

Юқорида айтганимиздек, руҳимиздаги илмга хос бўлган, ҳақиқат мезонига тўғри келадиган мартабага нафсни ақл йўлида тарбиялаш билан эришишимиз мумкин. Бунинг учун эса риёзат талаб қилинади.

Риёзат — чуқур ибодат, илм орқали вужудга келади. Ибодат ҳалолликни талаб қилади. Ақл билан ҳалолликни танидингизми, илм ва чиройли амаллар билан ўзингизни тарбиялаб боринг. Бунда ақл асосий вазифани бажаради. Имом Ғаззолий айтганларидай, Ҳақнинг мўъжизаларини ақлнинг қалбга итоатида кўрсак, ақлнинг нафсга итоатида дўзахни кўрамиз. Яна у зотнинг фикрларича, руҳимиз фаришталар жинсига тааллуқлидир, руҳ ўзини, парвардигорни танийди, инсоний ҳақиқатни билади. Шу билишни юзага чиқариш учун меҳнат ва риёзат талаб қилинади. Меҳнат эса ҳалол бўлиши керак.

Дарҳақиқат, илм ва чиройли амал самарасидан инсон қалби юмшар, руҳнинг юмшаган қалб ичидан чиқиб нур таратишига имкон яратиларкан. Агар нафс итоатида бўлсак, қалбимиз моғорлаб, кўзимизни кўр қиларкан. Натижада, руҳ ҳалокатга учрайди.

Халқда ажойиб мақол бор: "Семизликни қўй кўтаради", деган. Нафс истаклари шу даражада чексизки, уни қондирганда қўй семирадию инсон тўйиши мумкинмас. Нафс устунлик қилган жойда таъма, кеклик, риёкорлик деган "ҳимоя шакллари" ҳам кириб келаверади. Булар билан каромат у ёқда турсин, Ҳақ яратган улкан мўъжизаларни кўришга кўзимиз, англашга ақлимиз ожизланиб қолади.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, қуйидаги мисралар кўз олдимизга келади:

Эй инсон, ғафлатда бўлмагин гумроҳ,
Қалбингни ғубордан айлагин йироқ.
Ёмонликнинг кўзи тўймаган ҳеч вақт,
Кўнгли бўш сўқирни айламиш ҳамроҳ.
Сўнг киши иймонин оҳиста силар,
Ўзига ийдириб, дилини овлар.
Охирги пушаймон — ўзингга душман
Деб, адашган дилга сиртмоғин солар.
Бундайин сиртмоқда азобдаки жон
Талвасага тушар, эътиқод пайҳон.
Қанчалар нур ўчиб, кўнгиллар чўкса
Шайтон васвасада, кўзларида қон.
Эй, одам боласи, кўтаргин бошинг.
Ғам-андуҳда бўлиб тўкма кўз ёшинг.
Бу бевафо дунёда, демагил асло,
Илму амал ила ҳалолла ошинг.

Дунёнинг ҳалол неъматлари, илм ва яхши амаллари, маърифат, диёнат ва ҳикматлар билангина инсон ҳақиқатни таниши ва чин инсон, деган номга сазовор бўлиши мумкин.

Валида АБДУЛЛАЕВА,
ўқитувчи

ФАНГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР

Халқ таълими тизимига кириб келаётган янгиликларни тарғиб қилиш, мусиқа маданияти фанини ўқитишда давлат таълим стандарти талабларини бажариш, мусиқа маданиятини оммалаштириш мақсадида Жиззах вилояти ПХМОИ ва Бахмал тумани ХТБ ҳамкорлигида Бахмал туманидаги 1-мактабда мусиқа маданияти фани ўқитувчилари ва туман ХТБ услубчилари ўртасида "Давлат таълим стандарти талаблари асосида мусиқа маданияти фанининг ўқитилиши" мавзусида амалий давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Жиззах педагогика билим юрти мусиқа фани бўлими бошлиғи А. Норматов, Жиззах шаҳар 7-мактаб мусиқа маданияти тажриба-синов экспериментатори, олий тоифали ўқитувчи Д.Ҳайдаровлар маъруза қилишиб, ҳозирги вақтда мусиқа маданияти фани ўқитувчиларининг олдига қўйилган долзарб масалалар ҳақида фикр юритишди. Анжуман давомида мактабнинг II, III, V, VII синфларида янги давлат таълим стандарти талаблари асосида тузилган ўқув дастури бўйича ноанъанавий дарслар кузатилди ва таҳлил қилиниб, кенгаш натижалари асосида услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва жойларга етказиш режалаштирилди.

Исоқ ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилоят ПХМОИ меҳнат эстетика бўлими бошлиғи

ТАШХИС МАРКАЗИ МУТАХАССИСЛАРИ БТТМда

2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими ходимларининг ҳам зиммасига катта масъулият юклади. Бошланғич таълим-тарбия марказида "Ташхис марказларининг мақсад ва вазифалари. 1998-1999 ўқув йилида мактабга чиққан 6 ёшли болаларни тиббий, педагогик-психологик қуриқдан ўтказиш жараёнининг таҳлили ва болаларни ривожлантириш, соғломлаштириш, мактаб таълимига тўғри тайёрлаш" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Анжуманда Ташхис маркази раҳбари Мактуба Ғофурованинг "Ташхис марказларининг мақсад ва вазифалари, 6-7 ёшли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мактаб таълимига тўғри тайёрлаш", марказ шифокори Нигора Шамсиеванинг "Тиббий қуриқдан ўтиб, касал деб топилган болаларни соғломлаштириш ишлари ва тадбирлари" мавзусидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Семинар сунгида унда иштирок этган мактабгача таълим муассасалари услубчилари ва мактабларнинг бошланғич синф илмий мудирлари Бошланғич таълим-тарбия марказида олиб борилаётган таълим-тарбияга оид илғор тажрибалар, болаларни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан танишдилар.

МУХБИРИМИЗ

ИККИ ФАОЛИЯТИ УЙҒУНЛАШГАНДАГИНА ТАЪЛИМ-

(Боши 1-бетда)

"Таълим технологияси" тушунчаси -- таълим мақсадига эришиш қуроли **(инструментарийси)**, яъни олдиндан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш ва шу мақсадга эришишнинг метод, усул ва воситалари тизимини, таълим жараёнини бошқаришни ифодалайди.

***"Педагогик технология"*нинг моҳияти** дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришда намоён бўлади.

Ўқитувчининг фаоллигига йўналтирилган, **дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчи (ўқувчи)ларга йўналтирилган бўлиб,** болаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилади. **Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.**

Педагогик технологиянинг тамойиллари қуйидагилардир: кафолатланган якуний натижа, таълимнинг самарадорлиги, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шакланганлиги.

У ёки бу педагогик технологияни танлаш режалаштирилган дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. Педагогик технология доирасида янги ўқув материалини ўзлаштиришнинг ***бошланғич, алгоритмик, ижодий, эвристик характердаги даражалари мавжуд.***

Бошланғич характердаги даража - ўқувчининг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритмик ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.

Алгоритмик характердаги даража - билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир турдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодалайди.

Ижодий характердаги даража - ўқув материалини, шунингдек, илгари ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни турли ҳолатларда татбиқ эта олиш маҳорати билан характерланади.

Эвристик характердаги даража - тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўлларини излаш ҳамда бу муаммоларни ечиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш кўникмасига эга бўлиш билан характерланади.

Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар репродуктив доирадаги билим ва кўникмаларни талаб қилади. Ўзлаштиришнинг ушбу даражаларидаги педагогик технологияни ***ижрочи технология*** деб аташ мумкин.

Ўқув материалини эсда сақлаб қолишга ва кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган билим ва маҳоратлар даражаси ўқувчиларнинг репродуктив ва самарадор (продуктив) фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади.

Бу даражанинг педагогик технологияси **муаммоли-ривожлантирувчи технологияга алоқадордир.** Бундай технология асосида таълим жараёнини ташкил этганда ўқувчилар ўқув материалини рефератлаштиришга, маърузалар билан чиқишга, мунозараларда ва ишчан ўйинларда иштирок этишга ўрганишлари лозим.

Ўқув-билув фаолияти изланувчанлиги, эвристик хусусият касб этганда, **юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи, таълим методидан, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар, ишчан ўйинлар, мустақил ишлар, муаммоли топшириқлардан фойдаланиш зарур.** Бу даражанинг педагогик технологияси ***эвристик технология*** *деб аталади.*

Таълим жараёнининг дидактик таркиби қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради: ***муайян ўқув тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгусида ўқув омилларини яратиш технологияси), фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология ва бошқаришга асосланган педагогик технология.***

Таълим-тарбия жараёнининг мавзуси бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундаш мақсадини кўзда тутади. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга имкон беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ва натижаси аниқ тасаввур қилинмаган топшириқлар мавзунинг беқарор бўлишига олиб келади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни татбиқ этиш ва ундан кўзланган мақсадга эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг равонлиги, коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникадан бевосита дарсда самарали фойдалана олишига боғлиқдир. Бу фаолият ўз навбатида янги коммуникатив технологияга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи турли кўринишдаги фаолиятларда иштирок этади. Худди шундай педагогик фаолият шаклларидан бири ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига асосланган биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти (ҳикоя, суҳбат, маъруза) ижтимоий нуқтаи назардан ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчида мустаҳкам ўрнашган ишончи шакллантириши лозим. Бу ишонч бевосита ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай мулоқот ўқувчилар гуруҳига мўлжалланган бўлиб, бевосита жамоа меҳнати сифатида намоён бўлади. Мулоқот якка шахсга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин, яъни ўқитувчининг ўқувчи билан ҳамда бир ўқувчининг иккинчи бир ўқувчи билан мулоқоти сифатида. Мулоқот йўли билан ўқувчилар мавжуд нарса ва ҳодисани билиб оладилар, янгидан-янги ахборотларни қабул қиладилар. Бошқа бир томондан эса, ўқитувчи ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи шахсини ўрганади.

Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга йўналтирилиши керак. Жумладан: оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, руҳий вазиятни, ўқув фаолиятини оптималлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги, шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни инсонпарварлик мезонлари асосида шакллантириш назарда тутилади.

Педагог ўқувчилар орасидаги нохуш таъсирларни, улардаги ҳиссий зўриқишларни бартараф эта олиши керак. Агар ўқитувчи юқорида кўрсатилган таъсирларни бартараф эта олмаса, бу тарздаги ҳиссий зўриқиш илгариги муваффақиятсизликлар билан қўшилган ҳолда ўқувчиларда ўқитувчи ва ўқув предметига нисбатан салбий муносабатни вужудга келтиради ҳамда қўрқув, ишончсизлик, диққат сусайиши ҳолатига, эсда сақлаш қобилияти, ишчанлик, нутқ динамикаси бузилишининг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ҳол бир сўз билан айтганда ўқувчининг ўқув фаолияти мотивациясининг пасайишига, таълим жараёнида, ўқувчига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндошилган тақдирда, кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, **онгли тарздаги интизом ўрнатишга** эришиш мумкин эмас.

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик мулоқотнинг таркибий қисми бўлган коммуникатив фаолиятни қуйидаги схема асосида татбиқ этиш мумкин: **педагогик жараённи моделлаштириш, синф билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқотни (коммуникатив ҳужумкорликни) ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқотни бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини моделлаштириш.**

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабат ва **мулоқотнинг турли йўллари (стиллари) мавжуд.** Уларни қуйидагиларга — ўқитувчининг ўқувчилар жамоасига нисбатан ***барқарор-ижобий, суст-ижобий*** ҳамда ***беқарор*** муносабатларига ажратиш мумкин.

Ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан ***барқарор-ижобий*** муносабати болаларга нисбатан турғун ҳиссий-ижобий муносабат, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, қийинчиликларни енгишга ёрдам бериш, улар билан вазмин ва тенг оҳангда мулоқотда бўлиш билан характерланади.

Суст-ижобий муносабатдаги ўқитувчилар қуруқ муносабат ва расмий оҳанг билан ажралиб турадилар.

Беқарор муносабатга эга бўлган ўқитувчилар ўрнатилган умумий ҳиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятли муносабатларда ўқувчилар жамоасига нисбатан беқарор муносабатда бўлишлари билан характерланадилар. Бу гуруҳга мансуб бўлган ўқитувчиларнинг кайфияти ва ташвишлари уларнинг қиёфасида, оғзаки нутқида акс этади. Бутун таълим жараёнида ўқитувчининг ҳаётбахш сўзи таълим-тарбия тизимининг энг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи ўзининг мазмунли ва таъсирчан нутқи воситасида ўқувчининг фикри ва ҳиссиётини уйғотади, ўқув предметини ўзлаштиришга рағбатлантиради ва сафарбар қилади, ўқувчи шахсини шакллантиради. Ўқитувчининг доно ва ўткир сўзи ўқувчи қалбига шифо бағишлайди, уни жазоламасдан тўғри йўлга бошлайди.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга коммуникатив таъсир этиш йўлларини ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган методлар ёки коммуникатив таъсирлар қуйидагилардан иборат: **ишонтириш методи, исботли натижаларга асосланиш методи, бевосита ва билвосита таъсир методи, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.**

Ўқув омилларини яратишга асосланган технология охир-оқибатда ўзида **актёрлик фаолиятини** мужассамлаштиради. Чунончи: **нутқни драмалаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, фантазия қила олиш, нутқнинг оҳангдорлиги, нутқ тембри, асар қаҳрамонлари орқали ҳаётни ўрганиш ички ҳамда ташқи ритм ва темпнинг таъсирини ҳис қилиш, шоироналик, яхши товуш, қиёфа, мимика, имо-ишора, маъноли ҳаракатлар ва ҳоказо.**

Педагогик технологиянинг фаолият кўрсатиши ҳисобига таълим жараёнининг мотивацияси кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда бевосита ўқувчиларнинг ўзлари фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммоларнинг ечими бевосита **бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланилиши билан боғликдир.**

Педагогик технология турларини танлаш шакллнаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий қараш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш баробарида уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шакллари, жумладан, уйғунлаштирилган дарслар билан баробар **дарс-конференция, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган** (икки компонентли) **дарслардан фойдаланиш лозим.** Бунинг учун таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак.

Етарли даражадаги мотивация ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга тўлиқ эришиш кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина, бу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: фаолиятни бошқаришни ва ўқувчилар жамоасини бошқаришни. Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади ва вариатив тарлат таълим стандартлари доирасида ўқувчилар фаолиятини зарурий етарли даражада муваффақиятли амалга оширишни таъминлаши лозим.

Модуллашган технология модулларни лойиҳалаштиришдан бошланади (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш - бу таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш). Сўнгра ажратилган ҳар бир модуль бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолиятнинг мазмуни ва таъсир доираси аниқланади ва шу асосда моделлашган технологиянинг мақсади белгиланади. Моделлашган технологиянинг мақсадига эришиш учун модель босқичма-босқич амалга оширилади. Бу жараёнда ҳар бир қадам ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар, мақсадлар идентификацияси, яъни таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар, ўқув материаллари ва ўқув шароитини назорат қилиш воситалари, чунончи, ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар.

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади бир неча даражаларда ойдинлашади: **биринчиси** — таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолиятининг мослашуви, **иккинчиси** — ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти мослашуви, **учинчиси** - ушбу модул (ўқув элементи)нинг мақсади ва унинг ўқувчилар фаолиятидаги идентификацияси. Шундай қилиб, таълимнинг умумий мақсади алоҳида модулга ҳам, унинг ташхис қилинадиган охирги натижаларига ҳам ўтказилади.

Режалаштиришнинг аниқ анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш назарда тутилади. Модуллашган педагогик технологияни ишлаб чиқиш тартиби қуйидаги кетма-кетликдаги босқичларни ўз ичига олади: **аналитик, концептуал, мақсадли, мазмунли ва жараёнли.**

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг **аналитик** босқичида, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, улардан келиб чиқадиган хулосалар ва ёш авлоднинг гармоник тарзда ривожланишига йўналтирилган таълим мазмунини танлаш ҳолатлари, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Бўлғуси келин-куёвлар диагностика марказида тиббий назоратдан ўтиб, саломатликларида учраётган муаммоларни ҳал этмоқдалар.

Ҳозирги дунё таълим бозорида ақлли бўлиш учун фақат билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ҳажми етарли эмас.

ЯГОНА ЛОЙИҲА АСОСИДА

Узунда 750 ўринли қишлоқ хўжалиги коллежи биноси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Уни "Сариосиёсувқурилиш" трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари амалга оширмоқдалар.

Жамланма бошлиғи Зокир Исоқовнинг айтишича, жамоа янги бинони қуриб битказиши учун шартномада кўрсатилган 704 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши лозим. Айни пайтда шу маблағнинг 100 миллионга яқини ўзлаштирилди. Бунёдкорлар коллеж қурилишини мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида тугаллаб, ўқувчиларга совға сифатида топширадилар.

Сурхондарё вилояти, "Туркистон-пресс"

АНГЛАТИШ

Фарзандлар вояга етгандан кейин уларнинг бахтли-саодатли бўлишларини ҳар бир ота-она хоҳлайди. Юртимизда ҳар бир оиланинг равнақ топиши борасида барча имкониятлар яратилган. Туманлардаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимларида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлимида "Ёш оила" мактаби ташкил этилган бўлиб, бу мактаб 1996 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Никоҳни қайд этишга келган ёшлар ариза берган вақтдан бошлаб мактаб мутасаддиларидан оилавий мавзуда, оналик ва болалик хусусида ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар, маслаҳат олишади.

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Бундан ташқари, туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлимининг етук мутахассислари билан ҳамкорликда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилиб турилади. "Никоҳ, уни тузатиш шартлари" ("Оила кодекси" асосида), "Юқумли касалликлар профилактикаси" сингари мавзулар ана шу давра суҳбатларидан доимо ўрин олади. Бўлғуси келин-куёвлар диагностика марказида тиббий назоратдан ўтиб, саломатликларида учраётган муаммоларни ҳал этмоқдалар. Бу борада соғлиқни сақлаш бўлими бош мутахассиси Э.Арабова, гинеколог Е.Ҳасанова, терапия шифокори П.Қосимоваларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир.

Кейинги вақтларда никоҳни қайд этиш бўлими маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш юритаяпти.

Масалан, ўғил уйлантирмоқчи ёки қиз узатмоқчи бўлган оилаларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Эндигина 16-17 ёшга тўлган йигит ва қизларни ота-оналари, уларнинг ихтиёрига қарамай уйлантириш ёки узатишга ҳаракат қилиш ҳолларига чек қўйилмоқда.

Омма билан иш юритишда мураккабликлар кўп. Чунки одамларнинг олган тарбияси, дунёқараши ҳар хил. Лекин қурилажак оилаларнинг пойдевори пухта бўлишини ёшларга англатиш, нафақат фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилиш бюроларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам эътиборидаги масалага айланиши керак.

Насриддин БОТИР, "Маърифат" мухбири

Maktablar hayotidan



Суратларда:

1. Фидойи муаллима Альфия Фатхуллина тўгарак аъзолари билан навбатдаги стендни жиҳозлаш юзасидан фикрлашаётир.

2. Тўгарак фаолларидан 7-"Б" синф ўқувчилари Шерзод Абдураҳимов ҳамда Сардор Ғуломовлар "Ёввойи ва уй ҳайвонлари" мавзуидаги рефератини ҳимоя қилишяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТАБИАТНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БУРЧИМИЗ

Халқ таълими аълочиси, Шайхонтоҳур туманидаги 65-мактабнинг олий тоифали география фани ўқитувчиси Альфия Фатхуллина "Ёш улкашунослар" тўгарагини ташкил этганига ҳам 30 йил бўлибди. Тўгарак аъзолари фидойи муаллима бошчилигида табиат ва атроф-муҳитни урганиш, тарихий ёдгорликларни аниқлаш, сайр материалларини расмийлаштириш, қургазмали қуроллар ясаш, об-ҳаво ва табиатдаги ўзгаришларни кузатиш, эрталик ва кечалар ўтказиш каби ишлар билан шуғулланиб келишмоқда. Тўгарак ишлари археология, топонимика, этнография, архившунослик ва экология манбаларига бўлиб олинган.

— Тўгаракнинг топонимика соҳаси бўйича шуғулланаётган тўгарак аъзолари ўзлари яшаб турган маҳалласи, кўчалари, ўқиётган мактаби, туман ва шаҳари, корхона ва муассасалар, уларнинг номлари, қайси тарихий воқеалар билан боғлиқлиги, номларининг ўзгариш сабабларини урганмоқдалар, — деди РТМ мето-дисти М. Тиллабоева. — Уларнинг Тошкент номининг келиб чиқиш манбалари ва 12 та қадимий дарвозасининг ўринларини аниқлаш борасидаги изланишлари эътиборга молик.

Улкашунослик тўгарагининг археология, этнография, архившунослик соҳаси бўйича шуғулланаётган ўқувчилар гуруҳи амалга оширган ишлар ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Археология гуруҳидаги ўқувчилар миллий, маданий, тарихий манбалар асосида инсониятнинг ўтмишини урганишмоқда. Кўплаб сайру саёҳатлар уюштирилиб, тарихимизнинг турли даврларига таллуқли сопол, мис буюмлар, ёғоч-га ишланган нақшли буюмлар, чарҳдастгоҳ ва урчуқлар, турли даврларда ишлатилган яроғ-аслаҳалар, узоқ аждодларимизнинг меҳнат қуроллари, безакли тақинчоқлари, кийимларидан намуналар, қоғоз ва танга пуллар каби экспонатларни йиққанлар. Ҳозирги кунда мактабда улар асосида "Амир Темур" номидаги музей фаолият кўрсатаяпти.

Тўгаракнинг этнография манбалари билан шуғулланувчи ўқувчилар гуруҳи халқимизнинг ўтмишдан то ҳозирги кунгача мавжуд турмуши, урф-одатлари, маданияти, миллатларнинг маданий алоқалари, меҳнат анъаналарини ўрганмоқдалар.

Архившунослик манбаси билан шуғулланувчи ўқувчилар тўплаган материаллар эса мактаб музейидан муносиб ўрин олган. Бундай ишларда "Ёш улкашунослар" музейи президенти Баҳодир Умаров ҳамда Карим Жабборов, Шоҳруҳ Ғаппоров, Алишер Маматов, Рамиз Аралов, Зиёдулла Муҳсимов, Учқун Бойназаров, Мунира Тўлаганова каби юқори синф ўқувчилари фаол қатнашмоқдалар. Музейдаги Узбекистонимизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида тўпланган бой материаллардан мактабнинг тарих ва география ўқитувчилари таълим жараёнида кенг фойдаланишмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг дарсда урганган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бераётир.

Улкашунослик тўгарагининг экология бўлими эндиликда "Эркин фикрловчи экологлар" клуби деб аталмоқда. Клубнинг 12 кишилик фаоллари биринчи йиғилишдаёқ клуб уставини тасдиқлаб олишди. Клубнинг ўз уставига эга бўлиши қўйилган вазифаларни жиддий бажаришларида муҳим аҳамият касб этаётир.

Улар иштирокида "Экология — бизнинг ҳаётимиз ва келажагимиз", "Узбекистон қўриқхоналари", "Тежамкорлик — нақд бойлик", "Табиатни эъзозлайлик", "Биз табиатни севамиз", "Бугунги об-ҳаво", "Соғлом авлод йили" стендлари, "Узбекистоннинг қизил китоби", "Ўз қўлимиз билан", "Табиат хатосини тузатиб" каби бурчаклар тўла жиҳозланди.

Муҳими, мактабда экология куни, ҳафталиги ва ойлиги ўтказиб турилади. Дарсда ва дарсдан ташқари пайтларда бўлиб ўтаётган экологик мазмундаги "Муъжизавий саволларга жавоб топ!" уйини ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига катта ёрдам бермоқда. Хуллас, "Ёш улкашунослар" тўгараги аъзолари туман ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган қўрик-танловларда олдинги ўринларни олишга эришаётир.

Ҳилола КОШКАРОВА

Jurnalning yangi sonida

ЮРТ КЕЛАЖАГИ «ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ» БИЛАН

Мамлакатимизнинг юксалишида юртимиз ёшларига берилаётган тарбиянинг ўсиши ва таълим тараққиётининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса берилаётган таълим-тарбияни бугунги авлод қай даражада қабул қилаётганига ҳам боғлиқ. "Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади", дея таъкидлаган эди муҳтарам юртбошимиз. Жорий йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилингани ҳам давлатимиз раҳбарининг бу борада олиб бораётган сиёсатининг изчиллигидан далолатдир.

2000 йил — Соғлом авлод йили муносабати билан давлатимизнинг бир қатор Дастур, Низом ва Тавсиялари ишлаб чиқилган эди. Яқинда босмадан чиққан "Таълим тараққиёти" журналида ана шу Дастур, Низом ва Тавсиялар ҳақида тўлиқ маълумот берилганлиги журнал муштарийлари учун қимматли манба бўла олади. Журнал саҳифаларида берилган "Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисидаги Қарор, Президентимизнинг II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясидаги маърузасини умумий ўрта таълим мактабларида ўрганиш бўйича тавсиялар, "Таълим тизимидаги мониторинг марказининг намунавий Низом"ларидан ҳар бир халқ таълими ходимининг таълим жараёнида унумли фойдаланиши таълим тараққиётининг гарови бўла олади.

"Таълим тараққиёти" журналининг Соғлом авлод йилидаги дастлабки сонининг мазмуни бўлган қуйидаги сўзлар билан хулоса чиқаришга уриндик: XXI аср — интеллектуал авлод асри дейилар экан, яъни дунёдаги давлатлар ўз фуқароларининг интеллектуал салоҳиятига қараб ривожланар ва баҳоланар экан, бундай авлодни тарбиялаш масъулияти барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолмоғи лозим.

Шерали НИШОНОВ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМА КУРСИ НАМАНГАНДА

Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИ ҳозирги бозор иқтисдиёти даврида фақат республика марказида эмас, балки вилоятларда ҳам кўчма курслар ўтказишни режалаштирган эди.

Яқинда Наманган вилояти ПХМОИ қошида мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари "Ўлкашунослик" жамоатчилик музейи раҳбарларининг 12 кунлик кўчма курси ўтказилди. Унда "Соғлом авлод" мактабдан ташқари таълим муассасалари мажмуаси, Наманган шаҳар 40-мактабдаги "Ўлкашунослик халқ музейи", Тўрақўрғон туманидаги "Хотира ва қадрлаш", "И. Ибрат" ва туман халқ таълими музейларида Тўрақўрғон тумани тарихини ўрганиш, археологик қидирув олиб борилаётган Ахсикент қишлоғи табиати ва манзаралари билан яқиндан танишилди.

Айниқса, Наманган шаҳридаги 40-мактаб "Ўлкашунослик халқ музейи" курс тингловчиларининг хотирасида умрбод сақланиб қолса ажабмас. Чунки, умрини шу соҳага бахшида этган 70 ёшли музей раҳбари Абдулла Нуриддинов 1964 йилда шу музейни очиб ҳозирги кунда 10 дан ортиқ залларида 20 мингга яқин қимматли, хилма-хил экспонатларни йиғишга катта ҳисса қўшган. Шуниси қувонарлики, республикамиздаги мавжуд мактаблар орасида биринчи бўлиб, "Халқ музейи" номини олган бу музейда бир қанча тўгараклар ишлаб турибди.

Курс тингловчилари курсни яхши ташкил этган ва ўтказган институт ва курс раҳбарларига катта ташаккур изҳор этадилар.

Санжар МИРСОЛИЕВ

ШАХС

ТАРБИЯДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИЛАДИ

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг **жараёнли босқичида** ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бажаришларига йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараённинг педагогик технологиясида, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида демократик усуллар, ташкилий шакллар ва таълим воситаларини танлашга алоҳида ўрин берилади.

Шундай қилиб, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизимини, таълимнинг методик усулларини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, якуний натижаларга эришиш қуроли ("инструментарийси)ни мужассамлаштиради.

Янги педагогик технологияларни тузишда анъанавий таълим ва тарбия методларидан нималарни олиш мумкин? Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг "Янгисини қурмасдан эскисини бузмайлик" ибораси таълим тизимига ҳам бевосита тааллуқлидир. Анъанавий ўқувчилар билан бевосита алоқа, оғзаки сўров, ёзма ишлар олиш, иншо, мустақил дизайн ва расм, чизмачилик, амалий ишларни қоғоз, ёғоч, юнг, метал, пластмасса материаллардан тайёрлаш, мутолаа (декломация, шеър, монологларни оғзаки баён этиш.)

Шу билан бирга умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларини янги дастурлар асосида амалга оширишда анъанавий методларнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Ҳозирда дарс жараёнини фаоллаштириш учун ўқувчилар билан ишлашда муаммоли, дастурли, изланувчан методлардан кўпроқ фойдаланиш, амалий машғулотларда эса ишчан ва педагогик ўйинлардан, алоҳида-алоҳида индивидуал топшириқлар бериш, ўқувчилар яккама-якка ва гуруҳий фаолиятларини уйғунлаштиришнинг амалга оширилиши зарур шартлардан бири бўлиб қолди.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз мафкураси бўлмоғи даркор. Таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" рисолаларида ва ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувида мустақил Ўзбекистон Республикаси мафкурасининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Юқорида кўрсатилган асосий йўналишларни амалда тадбиқ қилиш учун етарли даражада педагогик шарт-шароитлар яратилганми? Бундай савол масалани чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади. Хўш, таълим-тарбия мафкураси қандай бўлмоғи лозим? Бу борада яқин ва ўтмишимизга назар ташласак, кўп нарса равшан бўлиб, бир қатор тушунмовчиликлар ойдинлашади.

Бизга, Мовароуннаҳрга таълим назарияси қаердан келган? Европаданми? Россияданми? Кўп сонли тадқиқотларга, тарихий манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, таълим назариясининг таълим-тарбия мазмуни, шакли ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Европа орқали ўзгариб, ривожланиб ҳамда бузилиб, яна Мовароуннаҳрга қайтиб келди.

Бундай фикрни тасдиқлаш учун бир неча далилларнинг ўзи кифоя. Дунё тарихий педагогик жараёнида умуминсонийлик ва миллий масалаларни таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бу борада Шарқ улуғ мутафаккирларининг ғоялари аҳамиятга молиқдир. Ал-Форобий, ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий ва бошқаларнинг ғоялари дунё ижтимоий-педагогик жараёнига кўп жиҳатдан таъсир этиб, маълум даражада ўйғониш даврининг асосий шарт-шароитларини яратиб берган.

Шарқ мутафаккирлари хулосаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар илгари сураётган педагогик ғоялар бевосита ўрганилаётган фан мантиқидан ажратилмаган. Таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва услубларига хос ғоялар алоҳида китобларда берилмай, балки бевосита амалда, биронта фанда аниқ билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида ёритилади. Қомусий олимлар асарлари лотин тилида ўрта аср Европа университетларида ўқув қўлланмалар сифатида қўлланилгани аниқ. Яъни бу асарлар табиий ва ижтимоий илмлар билан бир қаторда умумпедагогик ва хусусий услубий илмларни ривожлантириш учун асос бўлган. Абу Али ибн Синонинг педагогик ғояларга тўла "Зийракли - Тирик ўғлон" асари испаниялик адиб ибн Туфайланинг "Якзон ўғли Хайя" ҳақидаги қиссасининг ёзилишига асос бўлади. Бу асарлар лотин тилида нашр қилинган бўлиб, Ж.Ж.Руссога таниш эди. У ўзининг "Эмиль ёки тарбия ҳақида" асарини ёзишда юқоридаги китоблардан фойдаланган. Испаниянинг педагог олими Гундисалва (XII аср) "Фалсафанинг бўлиниши" асарида ал-Форобийнинг "Фанлар саноғи" асарини лотинчага ижодий таржима қилади. Гундисалва бўйича илмий билиш борлиқни, тажриба асосларида ўрганишдан кейин гипотетик тахминларга индуктив ёки дедуктив хулосалар чиқарилиб, тажрибада синалади. Яъни яна амалиётга қайтилади.

Оксфорд университетининг профессори Роджер Бекон (XII аср) ал-Форобий ва ибн Синоларнинг хулосаларини чуқурлаштириб, ўзининг "катта", "ўртача" ёхуд "кичик" қомусий китобларини ёзади. Бу асарлар, шубҳа йўқки Европада тарқалади ва маълум даражада XV - XVI асрларда педагогикадаги пансофик ҳаракатга туртки беради. Пансофик ҳаракатининг ёрқин намояндаларидан бири чех педагоги Ян Амос Коменский эди. XVI асрда яшаб ижод қилган Я.Коменский педагогиканинг дидактикасини ривожлантиришга, таълимда масъул ўқув режаси, ўқув йили, синф-дарс тизимини татбиқ этишга катта ҳисса қўшган. Албатта, ҳозирги, мутахассисларни оммавий тайёрлаш шароитида таълимни ташкил этишнинг синф-дарс тизимидан бошқа шакли таклиф этилгани йўқ. Лекин Ўрта Шарқда, IX асрда ҳали Европанинг кўп жойларида, жумладан, Россияда ҳуснихат ишлатилмаган бир вақтда кўҳна Хивада - Маъмун академиясида қанча-қанча тиббий, табиий, астрономия, математика, коинот илмлари бўйича йирик фан намоёндаларини ал-Беруний раҳбарлигида синф-дарс тизимисиз тайёрланганлиги кишини ҳайратга солади.

XIX асрда Россия Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирганидан бошлаб бизнинг мактабларимизда ўзига хослик йўқолди. Ҳамма жойда "бир хил ўроқ" билан ўрилди. Ўзбек мактаби "Кодиминская школа"га айланди, рус-тузем мактаблари кўкларга кўтарилиб, унинг намоёндалари "ўзбек халқининг миллий ифтихори"га айлантирилди.

Нима учун ҳозир ҳам дин намоёндалари ваъз қилганида ҳамма ҳайратда, жим қулоқ берамиз. Нима учун ваъзхонликда, сўзамолликда институт ўқитувчиси ёш муллаваччага бўш келади. Чунки ўша "эски" деб номланган мактабда нутқ маданиятини ўстиришга алоҳида аҳамият берилади, домладан кўра ўқувчининг овози таҳсил давомида кўпроқ эшитилади. Нутқ маданияти ортади, маъруза давомида фикрлаш малакаси пайдо бўлади.

Масаланинг яна бир муҳим томони - нутқ маданияти, яъни нотиқлик муаммосидирки, ёшларимиз, айниқса, балоғат ёшидаги ўспиринлар, ундан юқорилари ҳам баҳсда, ҳамиша оддий шароитларда ҳам бир-икки сўз алмашувидан кейин баланд овозга, кейин ҳақоратга, кейин эса куч ишлатишга ўтиб кетишади. Ёш ўтавергани сари овоз бўшлиқлари "қота беради", одам тажанг бўла беради, ташқи таъсир тезда руҳий ҳолатга таъсир этадиган бўлиб қолади.

Шарқ мутафаккирларидан Жалолиддин Давоний "Ахлоқ бу иродонинг маҳсули" деган эди. Шундай ибораларни ал-Беруний, ибн Синода ҳам учратиш мумкин. Бу иборанинг тагида жуда катта маъно ётади. Андишанинг оти ҳақиқатда ҳам қўрқоқлик ёки андишалилик, босиқлик, тўзимлилик, бу иродавийлик, кучлилик белгисими? Бир гапдан қолишлик бу қўрқоқликми ёки маданиятлиликми? Бу ва шунга ўхшаш хислатлар тушунчаси умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хослик ўртасидаги мувозанатни белгилайдиган мезонлардан ҳисобланади.

Ҳадислар бутун мусулмон мамлакатлари каби бизда ҳам яқин ўтмишимизгача тарбиянинг асоси қилиб олинган. Бундай ёндашиш ҳақли равишда ўзини оқлаб келган. Комил инсон шахсининг умуминсоний қадриятлари ёхуд ижобий хислатлари ўзи нечта? Ўзбек характеридаги ижобий хислатларни шакллантириш ва ривожлантириш технологияси қандай тузилади?

Таълим ва тарбиянинг мафкурасини белгилайдиган кишилар шахсий хислатлари пардасини бир оз очсак, бизнинг назаримизда қуйидагилар яққол кўринади. Тўғри тарбияга молик умуминсоний ижобий хислатларни олти қиррали деб тасаввур этиш мумкин.

Биринчидан, шахснинг умумий хислатлари: ёқимлилик, кўркамлик, жозибадорлик, фусункорлик, басавлатлик, салобатлик, ривожланганлик, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, руҳланганлик, улуғсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар.

Иккинчидан, шахснинг ахлоқий хислатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, саммимийлик, куюнчаклик, одамийлик, болажонлик, имонлилик, фидокорлик, хушмомалалик, боадаблик, илтифотлик, очиқ юзлик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, хушахлоқлик, ҳажмиҳатлик ва бошқалар.

Учинчидан, ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳафсалалик, серҳаракатлик, масъулиятлилик, ҳалоллик, инсофлилик, малакалилик, беками кўстлик, сифатлилик, эпчиллик, уддабуронлик, саранжом-саришталик, ботартиблилик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик ва бошқалар.

Тўртинчидан, зукколик, идроклилик хислатлари: зеҳнлилик, бамаънилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, асослилик, фаросатлилик, сезгирлик, заковат, топқирлик, лўндалик, далиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик ва бошқалар.

Бешинчидан, собитлик хислатлари: фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, куйди-пишдилик, жўшқинлик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, эрксеварлик, жиддийлик, нафсини тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, одамохунлик, ўзини ирода эта билиш ва бошқалар.

Олтинчидан, эҳтиросилик хислатлари: некбинлилик, кўтаринкилик, тантановорлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, ишонувчанлик, хаёлчанлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, мушфиқлик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, уятчанлик, хижолатлилик, иффатлилик ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб ижобий хислатлар сони мингдан ортиқ. Тарбия мафкурасининг мақсади мана шу хислатларни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни, ҳадислар, оила, маҳалла, анъанавий удумлар, тўй, аза, маъракa ва бошқа кам гуруҳли ва кўп сонли одамлар иштирок этадиган йиғинлар, сайллар, меҳмондорчилик, меҳмон кутиш, оммавий ахборот воситалари, афсоналар, романлар ва бошқалар восита бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантириш ўқув-тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳамма мамлакатлар ҳам ана шундай ижобий хислатларни ўз халқида шакллантиришга ҳаракат қилади. Ана шу маънода тарбиянинг умумий мақсади дунё педагогик жараёнида ягона мақсадга — умуминсоний хислатларни шакллантиришга қаратилади. Фалсафа фани, унинг турлича қарамақаршиликлари, турли оқимлари, назариялари билан бирга ягона бўлганидек, педагогикага ҳам умумий мақсади бўйича дунёвий педагогик жараёнда ягона, бир жинсли деб қаралади. Гап ана шу мақсадларга қандай воситалар билан, қандай кетма -кетликда ва қайси маънода эришишга боғлиқ. Бир мамлакат таълим ва тарбиянинг бир шаклини танласа, иккинчиси ўзгачароқ, учинчиси яна бир бошқача йўл тутади. Шу жумладан, халқнинг, элатнинг ўз удуми, одати, турмуш тарзи бор. Мана шу каби ўзига хослик таълим ва тарбиянинг ўзига хос шакл, восита ва услубларини, халқнинг умумий маданиятини белгилайди.

Юқорида белгиланган хислатларнинг баъзилари, масалан, оқибатлилик, болажонлик, андишалилик, имонлилик кабилар ўзбекларга кўпроқ хос хислат. Лекин бу хислатлар фақат ўзбекларда бор, дейиш нотўғри бўлар. Шунинг учун юқоридаги мингдан ортиқ хислатларни ҳалқ ичида махсус ажратиб кўриш (айрим мутахассислар 5-6 хислатни олишади) ёки фақат 20 га яқинини (коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси) ёки фақат миллий педагогика деб қараш ("Ўзбек миллий мактаби", "Мовароуннаҳр педагогикаси" каби ёндашувлар) дунё педагогик жараёнидан четга сурилиб, чиқиб кетишга олиб келади.

Ал-Форобий, ибн Сино каби мутафаккирларнинг бой меросини ўрганар эканмиз, таълим ва тарбия масаласида биронта жойида, биронта сўзида ўзбек, эрон, тожик ёки бошқа миллатгагина хос ёки мос биронта фикрни топа олмаймиз. Шунинг учун ҳам бутун дунё халқлари уларнинг меросидан суюниб фойдаланишади, авлодлар хотирасида барҳаётдирлар.

Ўқувчи ёшларда зукколик, ақллилик хислатлари шакллантирилаётганида унинг мезонларига эътибор қаратиш даркор. Ҳозирги дунё таълим бозорида ақлли бўлиш учун фақат билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ҳажми етарли эмас. Ақлли шахс деганда маълум малакага эга бўлган, аналитик ва синтетик фикрлай оладиган, воқеликни индуктив ва дедуктив анализ қила оладиган алгоритмик фикрлаш қобилиятига эга бўлган тадбиркор, интизомли шахс тушунилади. Шу хислатларнинг биронтаси етарли бўлмаса шахсни мукаммал деб бўлмайди.

Ўқувчи шахси ҳам буюртмачи ҳам истеъмолчи сифатидаги ҳамда ўз-ўзини бошқарувчи ва ўз-ўзини тўғри йўлга солувчи сифатида жуда ҳам ривожланган тизим ҳисобланади. Шахс "ички психолог" фаолиятини бошқаришда ички танлов мезонларига: тез-тез ўзгарувчан характерга эга. Шунинг учун ҳам айниқса, авваламбор ёш бўғинларни дастлабки ички хислатларида бирон бир хулоса қилишда шошилмасликка умуминсоний, миллий ватанпарварлик қадриятларга амал қилишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ёшларни бизнинг мафкурамизга зид оқимларга қўшилиб кетишини олдини олишнинг бирдан бир йўли ёшларимиз Ўзбекистоннинг миллий мафкураси ғоялари билан қуроллантиришдан иборат.

Таълим ва тарбияда инновацион жараёнларни амалга ошириш таълимнинг принципиал янги шакллари ва механизмларини кашф этилишини тақозо этади. Бундай шакл ва механизмлардан инновацион банклар, инновацион дастурларни амалга ошириш марказлари, илмий амалий марказларни ташкил этиш кўзда тутилади.

Ҳозирги даврда бир неча муаммолар объектив мавжуд. Яна бир муаммо, бир томондан, ўрта умумий таълим давлат стандартлари ишлаб чиқилиб, ҳукуматимиз томонидан тасдиқланди ва таълим-тарбия жараёнига қадам-бақадам жорий этилаяпти. Иккинчи томондан, бирмунча мураккаблаштирилган, юқори савияга, жаҳон талабларига мос фанлар стандартларини амалга оширишга ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам тайёрми? Мана шу қарамақаршиликларни енгиш халқ таълими ходимлари олдида турган йирик муаммо ҳисобланади ва унинг долзарблигини қайд этади.

Усмонали НИШОНАЛИЕВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор,
Ўткир ТОЛИПОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Ушбу дастур бўйича 20 нафар инглиз тили ўқитувчилари АҚШда 7 ҳафталик семинарда қатнашди ва ўтган йили 3 нафар Америка ўқитувчиси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Томск университетида 52 ёшдаги Анна Никифоровна Шумная деган талаба пайдо бўлди.

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси ва ҳомийлиги остида вилоятда "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ танлови бўлиб ўтди. Унда 21 та ўқув юртидан 500 нафар ўқувчи иштирок этди.

Кўрик 7 шарт асосида бўлиб, унда 24 қўшиқ ижро этилди. Она-Ватан, Истиқлол, нурли келажак ҳақида куйланган қўшиқлар барчани тўлқинлантириб, юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини уйғотди.

Худди шундай қўшиқ байрами Тошкент шаҳри Яккасарой тумани ўқувчилари ўртасида ҳам ўтказилди. Туманнинг барча мактабларидан ўқувчилар иштирок этган бу танловда ўқувчиларнинг қўшиқ айтиш маҳорати, ижро услубларини Шермат Ерматов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Тумандаги 26-, 73- мактаб ўқувчилари танлов ғолиби деб топилдилар.

Куй-қўшиқ инсонни эзгуликка етаклайди. Катталар болалар қалбига қўшиқ, рақс, санъат орқали эзгулик, одамийлик, самимийлик туйғуларини олиб кириши учун бундай танловлар жуда керак. Танловлар эса республикамизнинг барча мактаб, туманларида ўтказилмоқда.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

ЁШ ҲАВАСКОРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Куни кеча пойтахтимизнинг "Киночилар уйи"да ўқувчилар ўртасида анъанавий "Ёш кинофотоҳаваскорлари" анжумани ўтказилди. Тўрт кун давом этган ушбу анжуманда республикамизнинг барча вилоятларидан келган жами 112 нафар ўқувчи-ёшлар фестивалнинг кино санъати йўналиши бўйича 10 дақиқадан иборат кинофильмларни ва фото йўналиши бўйича эса, тайёрлаб келган турли ҳажмдаги суратларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.

Ниҳоятда қизиқарли ўтган фестивалда иштирокчилар қарийб 40 га яқин кино ва шунингдек, 200 дан зиёд фото-суратларни намойиш этишди. Натижаларга кўра, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидан келган ёш ҳаваскорлар ҳар жиҳатдан юқори натижаларни кўрсатди.

Барча ҳаяжон билан кутган ўринга Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 309-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Юля Цой эришди. У энг яхши кинофильм учун бериладиган грантга сазовор бўлди. Юқори ва рағбатлантирувчи ўринларни олган ўқувчи-ёшларга эса Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Беҳбуд БОТИРОВ, "Маърифат" мухбири

Tanlov g'oliblari

БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ УЧРАШАДИЛАР

Таълим бўйича халқаро Америка Кенгаши — АКСЕЛС томонидан ўтказилаётган, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг информация, маданият ва таълим бўлими ҳомийлик қилаётган, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кўмагида бўлган "Таълим беришдаги аълочилик мукофоти" дастури Ўзбекистонда учинчи йил фаолият кўрсатаяпти. Шу пайтгача Ўзбекистон бўйича 83 нафар инглиз тили ва америкашунослик ўқитувчилари ўз мактаблари учун жами 180 000 АҚШ доллари қийматида ўқув жиҳозлари (компьютер, принтер, нусха машинаси, факс, аудиомагнитофон ва ҳ.к.) совға олдилар. Ушбу дастур бўйича 20 нафар инглиз тили ўқитувчилари АҚШда 7 ҳафталик семинарда қатнашди ва ўтган йили 3 нафар Америка ўқитувчиси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

АКСЕЛС маъмурияти шу йилги дастур иккинчи давраси сининг 42 нафар ғолибини эълон қилмоқда. Республика умумтаълим мактаблари ўқитувчилари шахсан ўзлари учун қиймати 200 АҚШ долларига тенг бўлган инглиз тилини ўрганиш бўйича совға сифатида китоблар ҳамда ўз мактаблари учун 2000 АҚШ доллари қийматида жиҳозлар оладилар. Қуйида 2000 йил Ўзбекистонининг инглиз тили ва америкашунослик бўйича энг яхши ўқитувчилари рўйхати билан танишасиз:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича:

Поликарпова Татьяна — Олмалиқ шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси.

Маҳмудова Жамила — Пискент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

Ли Антонина — Юқори Чирчиқ туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси.

Амбарцумян Рима — Тошкент шаҳридаги 247-мактаб ўқитувчиси.

Ли Улия — Тошкент шаҳридаги 6-мактаб-лицей ўқитувчиси.

Хан Светлана — Тошкент шаҳридаги 257-мактаб ўқитувчиси.

Исламова Гулчеҳра — Тошкент шаҳридаги ТДТУ қошидаги академик лицей ўқитувчиси.

Зайнитдинова Гулнора — Тошкент шаҳридаги 9-тил мактаб-гимназия ўқитувчиси.

Сирдарё вилояти бўйича:

Алиқулова Дилфуза — Гулистон шаҳридаги "Қувонч" гимназияси ўқитувчиси.

Қаҳҳорова Нафиса — Янгиердаги академик лицей ўқитувчиси.

Нишанова Майрам — Янгиердаги гимназия-лицей ўқитувчиси.

Наманган вилояти бўйича:

Шарипова Муяссар — Наманган вилоят лицей ўқитувчиси.

Мажидова Ҳамрохон — Ҳалқобод шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси

Андижон вилояти бўйича:

Исманова Саодат — Охунбобоев туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

Юлчиева Махбурат — Марҳамат туманидаги 3-лицей ўқитувчиси.

Бегибаева Нилуфар — Андижон шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчиси.

Фарғона вилояти бўйича:

Алексеева Людмила — Қўқон шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси.

Бекмуратова Дилбар — Фарғона шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси.

Алейникова Наталья — Фарғона шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси.

Хоразм вилояти бўйича:

Ким Зинаида — Урганч шаҳридаги академик лицей ўқитувчиси.

Раджапов Шаназар — Урганч шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси.

Джуманиязова Зумрад — шаҳар кўп тармоқли лицей ўқитувчиси.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича:

Ваганьян Жанна — Нукус шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси.

Вахитова Вероника — Нукус шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси.

Оринбаев Куанишбай — Мўйноқ шаҳридаги 1-лицей ўқитувчиси.

Джайтаова Светлана — Тахиатош шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси.

Самарқанд вилояти бўйича:

Нигматов Ҳамдам — Самарқанд шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси.

Аликперова Сурайя — Каттақўрғон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси.

Ҳабибов Баҳодир — Самарқанд шаҳридаги 48-мактаб ўқитувчиси.

Шаповалова Лариса — Самарқанд шаҳридаги 64-мактаб ўқитувчиси.

Қашқадарё вилояти бўйича:

Касимова Робия — Китоб туманидаги Тил маркази ўқитувчиси.

Рузиев Холиқ — Китоб туманидаги 2-лицей ўқитувчиси.

Гулямова Назира — Қарши шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси.

Жиззах вилояти бўйича:

Юлдашева Шоҳида — Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси.

Мустафақулова Ҳулкар — Жиззах шаҳридаги 24-мактаб ўқитувчиси.

Бухоро вилояти бўйича:

Кочнева Анна — Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси.

Назарова Мавлюда — Ғалаосиё туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

Хамроева Ойша — Ромитон туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси.

Навоий вилояти бўйича:

Қодирова Озода — Қизилтепа туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси.

Сурхондарё вилояти бўйича:

Қодирова Наиля — Сариосиё туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси.

Норова Пардахол — Шарғун шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси.

Қарақулова Бибинор — Денов туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси.

Фурсатдан фойдаланиб, АКСЕЛСнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси дастур 2-давраси ғолибларига ишларида ва шахсий ҳаётларида муваффақиятлар тилайди.

Ғолибларни 2000 йил 19 апрелда республика Таълим маркази (Ўқитувчилар уйи)да эрталаб соат 9⁰⁰ да бўлиб ўтадиган конференцияга таклиф этамиз. 20 ва 21 апрелда Америка — Ўзбекистон комиссияси ғолиблар билан интервью ўтказади ва 10 нафар миллий ғолибни аниқлайди. Миллий ғолиблар шу йилнинг ёзида АҚШда бўлиб ўтадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашиш шарафига муяссар бўладилар.

ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси

Festival

"НИҲОЛ" БЎЙ КЎРСАТДИ...

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида бир ҳафта давом этган республика олий ўқув юртлари талабалари театр-студияларининг "Ниҳол — 2000" театр санъати фестивали ўз ниҳоясига етди.

Ўтган йилги фестивалда олий ўқув юртларининг 20 та театр жамоаси иштирок этган бўлса, бу йил 60 дан ортиқ театр жамоаси ўз санъатларини намойиш қилишди.

— Бундай фестивални ўтказишдан асосий мақсад, — деди Миллий Университет ректори Тўрабек Долимов, — миллий ғояни, унинг фалсафий ва умуминсоний моҳиятини ёш авлод онгига, руҳига чуқурроқ сингдириш, энг муҳими, Ватан ва Миллатга садоқатли, унинг тараққиёти учун ўзидаги бутун салоҳиятни, қобилиятни ишга соладиган, фидойи, иймон-эътиқодли, баркамол авлодни тарбиялашдир.

Фестивалда театр-студия жамоалари яъни талабалар, ҳар қайсилари ўзгача, ҳар хил мавзуларда саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Ғолиб театр жамоалари учун учта мукофот таъсис этилган эди.

Ҳар бир мукофотнинг биринчиси 100000 сўм пул бўлиб, у Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг "Оқар дарё оқмасмиди, жимгина" саҳна кўриниши (асар муаллифи Т. Маҳмуд ва саҳналаштирувчи режиссёр Т. Саъдуллаев), Тошкент Давлат техника университети "Шайтон ва фариштa" саҳна кўриниши учун (асар муаллифи С. Имомов ва саҳналаштирувчи режиссёр С. Умаров) берилди.

Иккинчи 75 000 сўм пул мукофоти эса Бухоро Давлат университети талабаларининг "Уруш" (муаллиф Ш. Нурматов ва саҳналаштирувчи режиссёр У. Нуралиев), Нукус Давлат университети "Ҳаёт зарбаси" саҳна кўринишларига насиб этди (асар муаллифи К. Раҳмонов, саҳналаштирувчи режиссёр О. Елмуратов).

Ва ниҳоят учинчи, 50 минг сўм пул мукофоти Фарғона Давлат университети талабаларининг "Тикансиз типратиконлар" саҳна асарига (муаллиф Ш. Бошбеков, саҳналаштирувчи режиссёр Б. Собиров) ва II-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабаларининг "Суперқайнона" саҳна кўринишларига берилди.

Шунингдек, ғолибларга ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган дипломлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳам топширилди. Ҳомийлар орасида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳам бор.

Насриддин БОТИРОВ, "Маърифат" мухбири

Суратда: «Ниҳол — 2000» театр фестивалидан лавҳа.

ЎзА олган сурат.

ЎҚУВЧИЛАР ХОТИРАСИДА ҚОЛГАН КУН

Шароф Рашидов туманидаги 6-ўрта мактабда таниқли ёзувчилар Ҳожиакбар Шайхов, Жонрид Абдуллахонов ва яқинда эълон қилинган "Иблис исканжасида 1643 кун" китоби муаллифи Тоштемир Қаҳрамонов билан туман ўқитувчилари ва ўқувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Туман ҳокими Рустам Элтоев учрашувни очар экан, ёшлар онгидаги мафкуравий тушунчани бойитиш учун бундай тадбирларнинг ниҳоятда зарурлигини таъкидлаб ўтди. Учрашувда сўзга чиққан адиблар бой тарихимиз, миллий мафкурамиз, буюк неъмат — мустақиллигимизни қадрлашимиз лозимлиги хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Қизғин савол-жавоблар билан якунланган ушбу учрашув, айниқса, ўқувчилар қалбида катта таассурот қолдирганлиги уларнинг юз-кўзларидан сезилиб турди.

Шоди ОТАМУРОДОВ

Sport

ОСИЁ КУБОГИ — 2000

Бу нуфузли турнирнинг барча финалчилари маълум бўлди: Ливан (мезбон), Саудия Арабистони (чемпион), Ўзбекистон, Ироқ, Эрон, Қатар, Қувайт, Жанубий Корея, Индонезия, Таиланд, Хитой, Япония. 1996 йили ҳам деярли шу жамоалар ўйнашган, фақат унда Қатар ўрнида Сурия ҳамда майдон эгаси сифатида Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари бор эди.

БАҲРОМ АВАЗОВ — ҒОЛИБ

Шаҳрисабзда бўлиб ўтган кураш бўйича Амир Темур соврини учун ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Болгария, Россия, Озарбойжон, Грузия каби давлатлардан келган полвонлар иштирок этган бу мусобақада бош соврин қашқадарёлик Баҳром Авазовга насиб этди.

КУБОК ЯПОНИЯга КЕТДИ

Осиё кубок эгалари кубогининг навбатдаги ғолиби Япониянинг "Шимицу" клуби бўлди. Улар финалда Ироқнинг "Ал-Заврa" клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этишди. Учинчи ўрин учун бўлган ўйинда "Навбаҳор" жамоамиз "Бангкок Банк" (Таиланд) клубига 1:3 ҳисобида бой беришди.

НАВБАТДАГИ БИРИНЧИЛИК ТУРКИЯда

Кураш бўйича бу йилги жаҳон чемпионати Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтадиган бўлди. Бу ҳақида Шаҳрисабз турнирида расман эълон қилинди. 2001 йилги биринчилик мезбонлигига эса америкаликлар етакчи даъвогар бўлиб туришибди.

РАҚАМЛАР...

Бугунгача олий лигада ўтказилган 59 ўйинда дарвозаларга 159 тўп киритилди. Ҳакамлар футболчиларга 204 бор сариқ карточка кўрсатишиб, 10 нафар ўйинчини майдондан четлатишди. Ўйинларни 545500 томошабин келиб кўрди. Бир ўйинда ўртача 9245 тадан. Тўпурарлар баҳсида А.Қосимов ("Зарафшон") пешқадамлик қилмоқда — 6 гол.

maydonchasi

QUTLOV



Ҳурматли Намоз ҚАРШИЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз. Тумандаги 1-иқтидорли болалар лицейининг "ижодкор ўқитувчиси" сифатидаги ижодий фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Арнасой тумани ХТБ касаба уюшмаси жамоаси

Ҳурматли Бобоназар ИБРАГИМОВ!

Сиз 38 йилдан буён ёш авлодни тарбиялаб, она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келмоқдасиз. Айни кунда табаррук 55 ёшга тулганлигингиз муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Доимо Оллоҳдан соғлик, тинчлик-хотиржамлик ва узоқ-умр тилаб қоламиз. Фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, деб

Шаҳрисабз туманидаги 39-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз

Куни кеча Навоий вилояти Болалар ва Ўсмирлар ижодкорлик марказида ажойиб бир тадбир бўлиб ўтди. Бу тадбирда вилоятнинг ижодкор ўқитувчилари қатнашдилар.

Ўқитувчи аввало санъаткор бўлиши керак, у ҳар бир дарс мавзусига худди саҳнага чиқаётгандек тайёрлансагина ўқувчига қайсидир маънода билим бера олади. Анжуманда иштирок этган мураббийлар ўз маҳоратларини ижоднинг турли жанрларида намойиш этишди. Анжуманда ўқитувчи нафақат болаларга билим берувчи устоз, балки ажойиб шеърлар, ҳикоя ва эсселар муаллифи, дилрабо қўшиқ ижрочиси, хуллас санъатнинг қайсидир соҳасини мукаммал биладиган, уни чуқур ҳурмат қиладиган, қойилмақом қилиб ижро этадиган инсон ҳам эканлиги аён бўлди.

Нурота тумани 20-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси М.Қўчқоров, Конимех туманидаги 25-мактаб қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Қ.Қожаев ва Кармана тумани 15-мактабнинг она тили ва адабиёти фани муаллими Қурбон Али Мирсиддиқлар ижодкор ўқитувчи деб топилдилар.

Ғолиблар Республика ижодкор ўқитувчилар анжуманида иштирок этадилар.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Осиё Ривожланиш Банкининг 1594/95 (МЖ) ЎЗБ рақамли кредити

"Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларни нашр қилиш тизимини такомиллаштириш"

ЛОЙИҲАСИ

Шартнома номи: Дарсликларни харид этиш.

1. Ўзбекистон Республикаси Осиё ривожланиш Банкидан "Умумтаълим мактаблари учун дарсликларни ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида мактаб кутубхона жамғармалари учун харид этиладиган дарсликларга маблағ ажратилиши келишилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (харидор) умумтаълим мактаблари кутубхона жамғармаларига харид этиладиган дарсликларни чоп этиш ва жойларга етказиб бериш бўйича танловда қатнашиш учун нашриётлар ва фирмаларни таклиф этади.

3. Танловда қатнашиш истагини билдирган қатнашчилар қуйидаги манзилдан қўшимча маълумот олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, 700027 Ўзбекистон кўчаси 80, "Ўқитувчилар уйи", 311-хона, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, лойиҳа менежери Тугеева Г.Ш. Алоқа учун телефонлар: (998-71) 1391573

Факс № (998-71) 1391571

Эл. почтаси: uzbpiu globalnet. uz

4. Танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олиш учун қатнашчилар 2000 йил 21 апрель соат 16.00гача 3-бандда кўрсатилган манзилгоҳга мурожаат қилишлари ва ЦОО НБВЭД РЎз банк коди 00882 20203000100101044001, ҳисоб-рақамига 15 минг сўм ўтказганлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат тавсия этишлари зарур бўлади.

Xullas...

ЎСМАНИНГ "ДУШМАНИ"

Осло шаҳрида турли ёшдаги норвегиялик 26 минг нафар аёллар ўртасида ўтказилган тадқиқотда спорт билан шуғулланиш ёки шуғулланмасликнинг ўсма касаллигига таъсири ўрганилди. Маълум бўлишича, ҳафтанинг тўртдан бир қисмини жисмоний тарбияга бағишлаган аёллар кўкрак қафасида учрайдиган ўсма касаллигига дучор бўлмас эканлар. Онкологлар яна шуни таъкидлашадики, кўкрак бези касалликлари гормонларнинг нормал ишламаслигидан ҳам келиб чиқади. Спорт билан шуғулланиш гормонлар фаолиятини ҳам изга солади. Демак, умумий назарияга кўра, жисмоний фаоллик аёлларнинг касалликларга қарши кураш қобилиятини оширади.

ЧЕКМОВЧИЛАРГА ШАКАР

Чишма қишлоғида жойлашган Бошқирдистон "Аргон" корхонаси раҳбарияти чекишга қарши ҳали ҳеч жойда қўлланилмаган усулни ўйлаб топибди. Ва бу усул туфайли 1998 йилда корхонанинг 100 кишилик аъзосидан ярмиси чекишни мутлақо ташлади. Кимдаким бу зарарли одатни ташласа, йил охирида катта миқдордаги рублни қўлга киритади.

1999 йил якунларига кўра, 10 кишига 1 қопдан шакар совға қилинди. Эҳҳе бу совринни қўлга киритиш учун кашандалар не-не азобларни бошдан кечиришмади. Аммо, совға олишни хоҳлаган, шартига ҳам чидайди. Бу йилдан бошлаб эса, яна ҳам каттароқ соврин ваъда қилинган. Даъвогарлар эса кўп. Ҳеч қачон, ҳеч қаерда йил буйи чекмаганлар ғолиб деб топиладилар.

52 ЁШЛИ ТАЛАБА

Олий маълумот олиш одатда 23-24 ёшларда тугайди, нари борса 30 ёшгача улгуриш мумкин. Томск университетида эса 52 ёшдаги Анна Никифоровна Шумная деган талаба пайдо бўлди.

Аввалига ёши бир жойга бориб қолган аёлнинг ўқишга кириши ҳаммага эриш туюлди. Кейинчалик эса катта ёшли талабага ҳеч ким эътибор ҳам бермай қўйди.

Хўш, Анна хонимни шу ёшда билим олишга нима ундаган экан? Урисча ибора билан айтганда, "сокрашение"га тушиб қолувчилар руйхатида бўлмасликни истаган Анна Шумнаянинг истагига ким ҳам қарши борарди? Кўп йилдан бери ишлаб келаётган қадрдон идорасида унга ўхшаш "фахрий дам олувчилар" анчагина. Маъмурият эса уларнинг руйхатини "чиройли" қилиб тузиб чиққан. Эҳтимол, унда Анна хоним ҳам бордир, бу ёги ёлгиз худога аён.

Иқтисод-технология факультети талабаси Анна хола 5 йилдан сўнг менежер дипломини олади. Ҳозирча эса, маърузалар тинглаб, конспект ёзмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ва шу тумандаги 41-мактаб жамоаси мазкур мактаб раҳбари Назира Аҳмедовага опаси

Лариса Аҳмедова

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва тиллар маркази жамоаси «Рус тили» кафедраси катта ўқитувчиси

Мавжуда Ғаниеванинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-287. Тиражи 37.728. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00.